



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**“ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ  
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ” МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**

**2018 йил 14 апрель**

**ТОШКЕНТ – 2018**

Европа давлатлари давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимида Ўзбекистонга фойдали бўлиши мумкин бўлган қуйидаги қатор омилларни ажратиш мумкин.

Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашда аниқ мезонларнинг мавжудлиги назарий билим ва амалий кўникмалар даражасини ошириш бўйича иш олиб бораётган ўқув марказлари фаолиятини яхшилаш учун мустаҳкам замин яратади.

Бундай мезонларнинг бажарилаётган иш сифатини назорат қилиш тизимига татбиқ этилиши давлат хизматчилари мажбуриятларини аниқ ифода этиш имконини беради ва улардаги профессионализм даражасини ошириш заруратини тақозо этади.

Ўқув дастурларининг мазмуни тез ўзгара олиш жиҳати билан фарқ қилади, бу эса жорий сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мақсад ва вазифаларига тезкор жавоб кайтариш имконини беради.

Шу билан бирга, қатор чекловлар мавжудлигини таъкидлаш лозимки, улар кадрлар тайёрлаш тизимининг европача вариантини Ўзбекистон шароитида давлат хизмати тизимида имплементация қилиш имконини бермайди.

Хусусан, бу давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва таълим тизими децентрализацияси. Ўзбекистонда аксинча, вилоятлардаги ҳудудий ўқув марказларининг фаолияти марказлашган ҳолда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Европа мамлакатлари давлат хизматчиларини тайёрлаш дастурлари сони етарли даражада катта бўлсада, олинган таълим сифатини назорат қилишнинг аниқ тизими мавжуд.

### **Хулоса**

Мавзу доирасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мумкин:

1. Давлат хизматчиларини танлаб олиш, малакасини ошириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, кейинги юқори лавозимларга ўтказиш масалалари бўйича хорижий тажрибадан ҳам мақсадли фойдаланган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Европа давлатларининг давлат хизматчиси борасидаги мамлакатимиздаги кадрлар билан боғлиқ сиёсатга мувофиқ жиҳатларини инобатга олган ҳолда давлат хизматчиларининг йиллик фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш уларнинг иш самарадорлигини янада оширишга мустаҳкам замин яратади.

### **Адабиётлар**

1. Абдуллаев М.И. Теория государства и права. Учебник. – СПб.: Питер, 2003. – 397 с.
2. Байтин М.И. Механизм государства /Теория государства и права. – М.: Юрист, 1997. – С.95.
3. Исаева Ф. Давлат хизматини ўташ. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 114.

## **ПАРЛАМЕНТДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ФРАКЦИЯЛАР ФАОЛИЯТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**М.Б. Исабаев,**

Наманган давлат университети ўқитувчиси

Мазкур мақолада қарор, қонун ва дастурларнинг сифати ва ҳаётийлигини таъминлашда энг асосий масъулият сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари зиммасига тушиши, уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнини ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида намоён бўлиши илмий баён этилган. Ушбу фракцияларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, халқчил қарорлар қабул қилинишига эришиш, унинг ижросини назоратга олиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари суртилган.

**Калит сўзлар:** қарор, парламент, фракция, сиёсий партия, электорат, кўмита, вакил, комиссия.

Бугунги кунда мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Сиёсий партия парламентдаги вакиллари орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларига таъсир этадиган қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлади. Муайян бир қонун, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш жараёнида турли партиявий фракцияларнинг манфаатлари тўқнашади. Бу эса, албатта, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда жамиятнинг имкон қадар кўп аъзолари манфаатларини инобатга олиниши ва уни сифатли бўлишига хизмат қилади. Чинакам бахс-мунозара, принципиал тортишувлар аввало шу ерда – парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ намоён бўлади[1].

Бугунги кунда барча партия фракциялари фаолиятини тўла-тўқис деб бўлмайди. Уларнинг олдида бир қатор муаммолар борки, мазкур масалаларни ҳал этиш ва уларни амалга оширишда сусткашликлар мавжуд. Қабул қилинган сиёсий қарорларнинг ижросини таъминлашда сиёсий партиялар парламентдаги фракциялари орқали давлат ижроия ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши барчамизга маълум. Бунда партия фракциялари давлат вазирлик ва кўмиталари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиши керак. Аммо нима учун партиялар ана шу вазирлик ва кўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга оширмапти[2].

Сиёсий партиялар фракцияларининг қонун ташаббускорлиги бўйича фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Мисол учун, 2005-2009 йилларда Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси[3], 2010-2014 йиллар мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганини қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан, юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир[4]. 2005 йилгача бўлган фаолиятини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Сиёсий партиялар, аниқроғи уларнинг фракциялари мустақил равишда ёки юқорининг топширигисиз бирор марта мамлакат манфаатлари учун муҳим бўлган, долзарб, яхлит қонун лойиҳалари ишлаб чиқмаганлар ва тақдим этмаганлар[5]. Буни Биринчи Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин: “Яширишнинг ҳожати йўқ, ўтган чақириқ парламентдаги партия фракциялари номигагина фаолият кўрсатган эди. Мен улардан бирортасининг муайян бир қонун лойиҳасини таклиф қилиб, уни сессия мажлиси тасдигидан ўтказиш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича аниқ ташаббус билан чиққанини эслай олмайман. Қани ўзингиз айтдинг, қайси фракция қайси қонуннинг асосий муаллифи ёки муҳаррири бўлди? Уларни ишлаб чиқиб, муҳокамалардан ўтказишда жонкуярлик кўрсатиб, қаттиқ кураш олиб борди?”[6]. 2015-2017 йилларда парламентимиз томонидан 55 та қонун қабул қилинган бўлса, фракциялар томонидан билдирилган ташаббуслар асосида қабул қилинган биронта ҳам қонун йўқ[7]. Ёки биргина 2017 йил давомида билдирилган 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси[8] депутатларга тегишли эканлиги, уларни ҳам асосан амалдаги қонунларга Президент фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар ташкил этишини қандай изоҳлаш мумкин.

Сиёсий партиялар ташкилотлари, айниқса, уларнинг жойлардаги бўлимлари фракцияларда кўриб чиқилаётган масалалар, қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмаяпти. Дарҳақиқат, сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга

оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти[9]. Агарки, ҳозирда парламентдаги фракциялар фаолиятини янада кучайтирмасак, қабул қилинаётган қарорларнинг аҳамияти бўлмайди, улар курук қоғозда қолиб кетаверади. Натижада бу қутилган натижани бермайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиёсий партия фракциялари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим ҳисобланган қарорлар қабул қилишдаги аҳамиятини оширишга қаратилган айрим мулоҳаза ва таклифларни билдирмоқчимиз.

1. Сўнгги йилларда қатор мамлакатларда сиёсий партияларнинг муҳолифат тарзидаги фаолиятининг ҳуқуқий мақоми анча кенгаймоқда. Бу мақом фақат конституция ёки сиёсий партиялар тўғрисидаги умумий қонунлар билан эмас, балки муҳолифатнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қабул қилинган махсус қонунлар билан амалга оширилмоқда (1991 йилдаги Капе Верде қонуни, 1992 йилда Того конституцияси)[10]. Бугунги кунда бизнинг парламентимизда ҳам муҳолифат институти шаклланган бўлиб, кўплаб қонунларимизда у ёки бу тарзда ривожлантириб келинмоқда. Жумладан, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 13<sup>1</sup>-моддасида, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 2-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 25<sup>1</sup>-моддасида ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9<sup>1</sup>-моддаларида қисман ёритиб ўтилган. Юқоридаги нормалар фракцияларда қонун лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар муҳокамасини, улардаги конструктив баҳс ва мунозараларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Буни таъминлаш учун ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси фаолиятини жонлантириш зарур. Айни шу мақсадда қонунларимизда мазкур масалаларни алоҳида-алоҳида ёритмасдан, ягона “*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги муҳолифат фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисида*”ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифини билдирамыз. Мазкур қонун лойиҳасида парламентдаги кўпчилик, парламентдаги озчилик ва парламентдаги муҳолифат тушунчаларига аниқ таърифлар берилади. Муҳолифат фаолиятининг мақсадлари баён этилади ва уни олиб боришнинг умумий тамойиллари, парламент муҳолифатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади. Қисқа қилиб айтганда, парламентдаги муҳолифат фаолиятининг кафолатлари мазкур қонунда ўзининг ҳуқуқий ечимини топади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган. Бундан кўринадики, сиёсий партияларнинг фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмаган. Тадқиқотчи И. А. Котеловскаянинг фикрига биноан, “Аслида, кўмиталар ҳамда фракциялар фракцион ёки сиёсий депутатлар бирлашмасини ташкил этади, шунинг учун уларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормаларни бузмайди”[11]. Шунингдек, “Сиёсий партия фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши конституциявий нормалар билан мустаҳкамланган қоидаларга зид эмас ва Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига дахл қилмайди, балки уни амалга оширишдаги камчиликларини тuzатади”[12]. Тадқиқотчиларнинг фикрларини кўллаб-қувватлаган ҳолда, парламентнинг қуйи палатасидаги қонун ижодкорлиги жараёнини янги босқичга олиб чиқишда айнан сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва масъулиятини кучайтириш лозим. Айни шу мақсадда, сиёсий партиялар фракцияларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилиши уларнинг аҳамияти янада ошишига хизмат қилади.

3. Сиёсий партиялар фракциялар, жойлардаги партия гуруҳлари қандай амалий натижаларга эришаётгани, қандай ташаббуслар билан чиқаётгани ҳақида ОАВ орқали доимий равишда ахборот (ҳисобот) бериб бориши мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо, ҳозирча бундай ахборотлар турли мавзулардаги тадбирлар кўринишида бўлиб қолмоқда, холос[13].

Шунингдек, деярли барча партия фракциялари ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб, маъқуллашдан нарига ўтмаяпти. Аксинча, фракциялар ташаббуси билан қабул қилинган қарорларнинг ижроси юзасидан ҳукумат фаолиятини кўпроқ таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, парламентнинг жамоатчилик билан алоқаларини кенг йўлга қўйиш ва парламент фаолиятдан кенг оммани мунтазам хабардор этиб боришнинг замонавий тизимини яратиш керак. Жумладан, парламент матбуот хизмати томонидан Қонунчилик палатаси Кенгаши мажлисларини, фракциялар, кўмиталар ва комиссияларининг йиғилишларини тасвирга тушириб, уни тўғридан-тўғри эфирга узатиш, парламент веб-сайтида онлайн режимида намойиш этиш ҳамда тadbирларнинг видеоархивини яратиш, уни сақлаш кабиларни жорий этиш лозим. Парламентнинг қуйи палатаси веб-сайтида партия фракциялари томонидан муҳокама этилаётган масалалар ҳамда бўлиб ўтаётган баҳс-мунозаларни алоҳида медиатика бўлимида видео форматда ҳам ёритиб бориш зарур. Бу тизим ҳар бир сайловчига исталган пайтда бевосита ўзининг вакиллари қандай фаолият юритаётганлиги билан танишиш ва уларни назорат қила олиш имкониятини яратиш беради.

4. Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларидаги вакиллари ҳам олий вакиллик органида, ҳам маҳаллий вакиллик органларида мавжуд. Улар олий вакиллик органида – фракция, маҳаллий вакиллик органларида – партия гуруҳлари тарзида уюшадилар. Парламентнинг юқори палатаси Сенатда ҳам партиянинг вакиллари мавжуд. Яъни, Сенатнинг 84 нафар аъзоси маҳаллий вакиллик органлари таркибидан шакллантирилади. Демак, Сенатда ҳам ҳар бир масалани кўришда умумдавлат манфаатлари билан бир қаторда, партиянинг ҳам манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш лозим бўлади. Сиёсий партия фракциялари нафақат парламентнинг қуйи палатасида, балки юқори палатасида ҳам тузилиши жаҳон парламентаризм тажрибасида ўз ифодасини топган. Масалан, Франция парламентининг қуйи палатаси – Миллий Мажлисда 30 нафар, юқори палата – Сенатда 15 нафар, Италия парламентининг қуйи палатасида 20 нафар, юқори палатасида – 10 нафар депутат бўлсагина фракция тузилиши белгилаб қўйилган[14]. Шу сабабли фракция фақат парламентнинг қуйи палатасидагина тузилади, деган хулоса ҳам хатодир. Шундан келиб чиқиб, парламентнинг юқори палатаси бўлган Сенатда ҳам сиёсий партияларнинг фракцияларини ташкил этиш таклифини билдирамиз.

### Хулоса

Мамлакат ҳаёти учун муҳим саналган сиёсий қарорлар дастлабки тарзда, асосан, парламент институтида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бу вазифани айнан сиёсий партияларнинг фракциялари амалга ошириши керак. Ҳаттоки, парламент кўмиталарида муҳокама этилаётган масалалар ҳам, аввало, фракциялар томонидан кўриб чиқилган бўлиши керак. Фракциялар ушбу мураккаб вазифани тўлақонли бажаришида жамият ва давлат манфаатлари ҳамда мақсадлари артикуляциясини тўғри амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 йил 12 июль // [www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017](http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017)

2. Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 йил 12 июль // [www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017](http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017)

3. Karimov I. A. Jahon inqirozining oqibatlarini yengish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish va taraqqiy topgan davlatlar darajasiga ko'tarilish sari. 18-jild.–T.: O'zbekiston, 2010.–B. 125.

4. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // [www.uza.uz/oz/politics/prezident-islom-karimovning-zbekiston-respublikasi-oliy-mazh23-01-2015](http://www.uza.uz/oz/politics/prezident-islom-karimovning-zbekiston-respublikasi-oliy-mazh23-01-2015).
5. Жўраев С. А. Фукаролик жамияти: назария ва амалиёт / Илмий-таҳлилий мақолалар тўплами. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти нашр., 2003. – Б. 77.
6. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 169.
7. Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 йил 12 июль // [www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017](http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017)
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [www.uza.uz/oz/politics/mamlakatimiz-tarikhida-birinchi-marta-prezident-murozhaatnom-22-12-2017](http://www.uza.uz/oz/politics/mamlakatimiz-tarikhida-birinchi-marta-prezident-murozhaatnom-22-12-2017)
9. Мирзиёев Ш. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2017 йил 12 июль // [www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017](http://www.uza.uz/oz/politics/parlamentimiz-a-i-iy-demokratiya-maktabiga-aylanishi-islo-ot-12-07-2017).
10. Политология: Лексикон. Под редакцией А. И. Соловьева. М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2007 // [www.xn----ptblgjed.xn--p1ai/node/3034](http://www.xn----ptblgjed.xn--p1ai/node/3034)
11. Кордик Д. Н. Законодательный процесс в европейских государствах: Россия, Германия, Австрия, Швейцария (сравнительно-правовой анализ): Дисс... канд. юрид. наук. – М., Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, 2007. – С. 82.
12. Усмонов М. Новые подходы во фракционной деятельности и межфракционной конкуренции в парламенте // Демократизация и права человека. – 2014. – №4. – С.103.
13. [http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT\\_ID=27409](http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=27409)
14. Чиркин В. Е. Верхняя палата современного парламента: сравнительно-правовое исследование. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2011. – С. 60; Сравнительное конституционное право. – М.: Манускрипт, 1996. – С. 553.

<b>Ваҳрамов М.М.</b> .....	74
Ахборот технологиялари соҳасида bilimlarni shakllantirish uchun interfaol interaktiv tizimni ishlab chiqish usullari	
<b>Эргашева Х.Э.</b> .....	75
Интерактив давлат хизматлари соҳасида нодавлат ва нотижорат ташкилотлари учун хизматларни такомиллаштириш	
<b>Караматов А.О., Атаджанов Д.Ю.</b> .....	78
Внедрение системы регистрации мобильных устройств: опыт Великобритании	
<b>Тулаганов А.А.</b> .....	81
Роль мобильной связи в развитии государственных услуг	
<b>Бердикличев М.Ж, Махманов О.Қ</b> .....	84
“Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштиришда давлат хизматларини аҳамияти	
<b>Раҳманов Қ.С., Маматов У. М.</b> .....	87
Худудларда интерактив давлат хизматларини жорий этишдаги муаммо ва ечимлар	
<b>Quziboyev X.Sh.</b> .....	90
Давлат интерфаол хизматларини баҳолаш мезонлари	
<b>Раҳманов Қ.С.</b> .....	93
Интерактив давлат хизматларини такомиллаштиришнинг долзарблиги	
<b>Rahmanov Q.S., Shermatov U.E.</b> .....	98
Fermer xo‘jaligi faoliyatini samaradorligini oshirishda interaktiv davlat xizmatlardan foydalanish	
<b>Самандарова Н. К.</b> .....	101
Кадрлар билан ишлашда АКТдан фойдаланиш	
<b>Уралов Ф.А.</b> .....	104
Интерактив давлат хизматларини ривожлантиришнинг электр энергетикаси соҳасини тартибга солишдаги аҳамияти	

## 2-СЕКЦИЯ

### ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

<b>Худоёрова О. К., Эшмуродов С.Т.</b> .....	107
Давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш масалалари	
<b>Қучқаров Н.Т.</b> .....	110
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини оширишнинг айрим жиҳатлари	
<b>Замонов З.Т.</b> .....	113
Жамиятда мавжуд маънавий-ахлоқий институтларнинг давлат бошқарувида қарорлар қабул қилишдаги ўрни	
<b>Мирзаев С.А.</b> .....	117
Замонавий ишлаб чиқаришни бошқаришда Андон тизими	
<b>Турсунмуратов Т.М., Тошматова Г.С.</b> .....	121
Европа мамлакатлари давлат бошқаруви тизими кадрларини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари	
<b>Исабаев М.Б.</b> .....	123
Парламентда қарор қабул қилишда фракциялар фаолияти: муаммо ва ечимлар	
<b>Косбергенова М.С.</b> .....	127
Қўп мезонли иерархик таҳлил методи асосида ташкилот ахборот хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш	